

Мусулмон киши рўза аҳкомларини билиши ЛОЗИМ



09:00 / 27.04.2022 2613

Кўз эгаларига ибрат бўлиши учун тунни кунга алиштириб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Кенгчилик неъматини учун Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр қиламан. Азиз ва Ғофир Зотдан бошқа илоҳ йўқдир. У Зот бу дунёни ўткинчи қилиб, охираат диёрига ҳозирлик кўришни буюрди.

Набий ва расулларнинг шарафлиси бўлган набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг аҳли оилаларига ва содиқ саҳобаларига салоту саломлар бўлсин.

Албатта, рўза улуғ ибодатдир. Мусулмон банд рўзанинг баъзи аҳкомларини билиши ва хато қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Огоҳ бўлиш керак бўлган ишлар қуйидагилар:

1. Рўзадор унутиб, билмасдан ёки мажбуран бирор нарса еса, рўзаси очилмайди.

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин»
(Бақара сураси, 286-оят);

«Қалби иймон ила ором топа туриб зўрланганлар бундан мустасно»
(Наҳл сураси, 106-оят);

«Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ. Аммо дилдан қасд қилган бўлсангиз, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳмли Зотдир» (Аҳзоб сураси, 5-оят).

Рўзани бузувчи саккиз нарса:

1. Жимоъ. Бу иш Рамазон ойи кундузида содир бўлса, рўзанинг қазоси билан бирга катта каффороти ҳам бор: бир қулни озод қилади, агар топа олмаса, кетма-кет икки ой рўза тутади, буни ҳам бажара олмаса, олтмишта мискинни таомлантиради.
2. Қўшилиш, бўса ва қучоқлаганда манийнинг келиши.
3. Ейиш ва ичиш – фойдали бўладими ёки зарарлими, ҳукмда баробардир (сигарет каби).
4. Таомдан беҳожат қиладиган озиклантирувчи укол. Чунки у таом ва ичимликнинг ўрнини босади. Аммо озиклантирмайдиган укол рўзани бузмайди, гарчи у мушакдан ёки вена томиридан қилинса ҳам. Шунингдек, дори таъмини оғзида сезса ҳам, сезмаса ҳам, рўзаси бузилмайди.
5. Қон қуйиш. Масалан, рўзадор қувватли бўлиши учун қон қуйиш мумкин эмас.
6. Ҳайз ва нифос қони келиши.
7. Ҳижома қилинганда қоннинг чиқиши. Аммо қоннинг ўзи оқиши, масалан, бурундан ёки тиш тушганда қон келиши рўзани бузмайди. Чунки бу ҳижома эмас.
8. Қайт қилиш. Агар одам қасддан қайт қилмаса, рўзаси бузилмайди.

Баъзи рўзадорларни нуқсон ва хатолардан огоҳлантириш:

1. Кечда ёки тонг вақти киришидан олдин фарз рўза учун ният қилмаслик. Рамазон учун битта ният қилиб қўйса, кифоя.
2. Сахарликни бир ёки икки соат олдин қилиш. Дарҳақиқат, ифторга шошиш ва сахарликни кечиктиришга тарғиб ворид бўлган.

3. Кўпгина инсонларнинг ейиш ва ичишда исроф қилишлари. Бу хушуга сабаб бўладиган шариатдаги рўзага хилофдир.
4. Дангасалик, уйқу ёки фойдасиз ишлар билан машғул бўлиб, жамоат намозини ўтказиб юбориш.
5. Тилни тонгдан кечгача лағв сўзлардан, сўкинишдан, ёлғондан, ғийбатдан ва чақимчиликдан тийилиши.
6. Қимматли вақтларни беҳуда ўйинларга, бефойда нарсаларни кўришга, фильмларга, кроссвордларга, ҳажвияларга ва кўчаларда беҳуда тентирашларга зое қилиш.
7. Рамазонда кўп амалларни қилмай ўтказиб юбориш: дуо, зикр, Қуръон тиловати ва нафл намозлар каби ибодатларни бажармаслик.
8. Жамоат билан таровеҳ намозини ўқишни ташлаб қўйиш. Имом билан бирга таровеҳ намозини ўқишлик шариатда ворид бўлган.
9. Мулоҳаза қил! Рамазон ойи бошида намоз ўқувчилар, Қуръон тиловат қилувчилар кўп, бироқ ой охирида уларда ожизлик ва нуқсон пайдо бўлади (яъни, камайиб кетадилар). Аслида ойнинг охирида ойнинг бошидагидан ҳам кўра зиёда бўлиши керак эди.
10. Хусусан, охирги ўн кунликда тунда бедор бўлмаслик. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам охирги ўн кунликка кирсалар, тунда уйғоқ бўлардилар ва аҳллари ҳам уйғотардилар ҳамда ибодатга қаттиқ бел боғлардилар.

Рамазон кечасида уйғоқ бўлиб, кейин бомдод намозига ухлаб қолиш. Баъзилар бомдод намозини чошгоҳда ўқийдилар. Бу фарз ибодатга эътиборсизликдир.
12. Молида бахиллик. Рамазонда ҳожатмандларнинг ҳожатини ўтамаслик. Бу вақтдаги садақотдаги икки баробар савобни хоҳламайди.
13. Закот. Рамазонга хосланмайдиган намоз ва рўзага яқин фарз ибодатлардан бўлгани билан кўпчилик молиявий закотга эътиборсиз бўлади.
14. Рўза тутган вақтида, хусусан, ифтор пайтида таом ва ичимлик билан овора бўлиб, дуодан ғафлатда қолади. Бу ҳақда ҳадис ворид бўлган. Албатта, рўзадор учун ифтор пайтида қайтарилмайдиган дуоси бордир.

15. Рамазонда эътикоф суннатини ўтказиб юбориш. Китобу суннатда охириги ўн кунликда эътикоф ўтириш ворида бўлган.

16. Кўп аёлларнинг масжидларга зийнатли кийимларда, пардоз билан, хушбўйланиб чиқишлари. Бу нарсалар фитнага сабаб бўлади.

17. Рамазон кечаларида қаттиқ эҳтиёжи бўлмаса-да, аёлларнинг маҳрамсиз бозорларга чиқишини енгил санашлик.

Аллоҳим, бу ойни омонликда, иймонда, саломатликда ва Ислонда тамомлашликни насиб қил!

Аллоҳим, рўзамизга ва тунда бедор бўлишимизга Ўзинг муваффақ эт.

Аллоҳим, бизларни дўзахдан сақланиб, жаннат даражалари билан мукофотланган кишилардан қилгин. Ота-оналаримизни ва жамики мусулмонларни мағфират эт.

Аллоҳим, бизни ватанимизда омонликда қил. Набийимиз Муҳаммад алайҳиссаломга, аҳли оилаларига ва барча асҳобларига салоту саломлар бўлсин.

Ҳумайро тайёрлади